

УЎК (УДК, UDC): 81'276.6: 811.111  
DOI: 10.36078/1565760111

## ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТЕРГОВГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНВОКУЛЬТУРОЛОГИК ВА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



**Фарход Ҳабибуллаевич АБДУЛЛАЕВ**

Ўқитувчи

Тилларни ўрганиш кафедраси  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Тошкент, Ўзбекистон  
[fxa1982@gmail.com](mailto:fxa1982@gmail.com)

### Аннотация

Мазкур мақолада инглиз тилидаги терговга оид терминларнинг лингвокультурологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тил лексик қатламининг ривожланиш омилларидан бирини бошқа тиллардан ўзлашган интернационал сўзлар ташкил этади. Муаллиф терговга оид терминларда миллий-маданий компонентларнинг мавжудлиги ва уларнинг халқ маданий-тарихий аънаналари билан узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратади.

**Калит сўзлар:** тергов терминологияси; терговга оид терминлар; ҳуқуқий тизим; лингвомаданий йўналиш; қиёсий лингвомаданий ташнослик; тергов матни.

## ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕРМИНОВ РАССЛЕДОВАНИЯ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

**Фарход Ҳабибуллаевич АБДУЛЛАЕВ**

Преподаватель

Кафедра изучения языков  
Академия МВД Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан  
[fxa1982@gmail.com](mailto:fxa1982@gmail.com)

### Аннотация

В статье рассматривается анализ лингвокультурологических особенностей терминов расследования на английском языке. Известно, что один из факторов роста лексического слоя языка, являются интернациональные слова заимствованные из других языков. Кроме того, автор обращает внимание на наличие национально-культурных компонентов в терминологии расследования и их тесную связь с народными культурно-историческими традициями.

**Ключевые слова:** терминология расследования; термины расследования; правовая система; лингвокультурная направления; сравнительная лингвокультурология; текст расследования.

## LINGUOCULTURAL AND SEMANTIC FEATURES OF INVESTIGATION TERMS IN ENGLISH

**Farkhod Xabibullayevich ABDULLAYEV**

Teacher of Languages learning  
Department of the Academy of the  
Ministry of Internal Affairs of the  
Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan  
[fxa1982@gmail.com](mailto:fxa1982@gmail.com)

### **Abstract**

The article discusses the linguoculturological features of the investigation terminology. It is well known that one of the factors of increasing lexical units consists of international words, as a result of borrowing of languages. The author draws attention to the existence of national-cultural components in investigation terminology and their close relation with nation's cultural-historical traditions.

**Keywords:** investigation terminology; investigation terms; legal system; linguocultural direction; comparative linguoculturology; investigation text.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонга чиқиши, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилиши, мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши судьялар ва терговчиларнинг хорижий давлатлардаги тегишли муассасалар билан алоқа қилишини тақозо этади.

Тергов тизимида муҳим ва улкан масъулият талаб этадиган фаолиятлардан бири суриштирув ва дастлабки терговдир. Тергов тизимлари ўхшаш бўлишига қарамай, ҳар қайси давлатнинг ўзига хос ҳуқуқ-тартибот тизими, қонун нормалари, терговнинг анъанавий шакл ва жараёнлари ҳамда тушунча-терминологик тизимига мос ҳуқуқий тили мавжуд.

Тергов терминологик тизими жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини, ахлоқий ва диний-маърифий қадриятларини акс эттиради. Тергов соҳасида қўлланиладиган терминларнинг айримларига эквивалент мавжуд бўлмаган лексика хос бўлиб, улар маданиятлараро лақуналардир. Тилда лақуналарнинг бўлиши тегишли денотатнинг бўлмаслиги билан тушунтирилади. Шунингдек, тергов терминларида миллий-маданий компонентнинг мавжудлиги, ҳуқуқшуносликнинг умумсиёсий фан сифатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг маданий-тарихий анъаналари билан бевосита боғлиқ эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлардан маълумки, ҳаётдаги воқелик, унга тааллуқли алоқа ва муносабатлар турли тилларда умумҳодиса сифатида ўз аксини топади. Мисол тариқасида, *prosecutor* — прокурор сўзини олиш мумкин. Ушбу сўз орқали англо-америкалик ва ўзбек фуқаросининг кўз ўнгида пайдо бўладиган

тасаввурлар бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасида ўлим билан боғлиқ жиноятларни *прокурор*лар кўриб чиқишса, Бирлашган Қиролликда *коронер*лар (*coroner*) тергов қиладилар.

Прокурор сўзи лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, унга И. Х. Дворецкийнинг лотинча-русча луғатида қуйидаги таърифлар берилган:

*procuratio, onis* — 1) ҳомийлик қилиш, раҳбарлик қилиш; 2) прокуратура лавозими, прокуратура; 3) мушкулот ёки кулфатнинг олдини олиш учун авф сўраш, илтижо қилиш маросими; 4) ҳаракат, уриниш (8, 814);

*procurator* — 1) раҳбар, бошлиқ, мудир; вакил, ваколат берилган шахс; 2) императорнинг провинциядаги даромадларини назорат қилувчи, бошқарувчи амалдор, прокуратор (8, 814);

*prosecutor* — 1) йўлбошловчи-кўрикчи; 2) казо-казолар тўдасининг аъзоси, эскортнинг аъзоси (8, 825).

Д. П. Симпсоннинг "Cassel's New compact Latin-English dictionary" луғатида эса прокурор қуйидагича ифодаланган:

*procurator* — manager, bailiff, agent, factor, a viceroy; under the empire, a financial agent or undergovernor (7, 180).

Англияда Бош прокурор — *Attorney General* номи билан аталади. А. С. Хорнбининг машхур луғатида *attorney* сўзига қуйидаги изоҳ келтирилган:

*attorney* — 1) person with legal authority to act for another in business or law:

*General attorney* — legal officer with authority to act in all cases in which the State is a party public prosecutor (4, 50).

Ушбу терминнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда вариантлар ўртасидаги фарқлашув юзага келади. Масалан, Британияда *прокурор* — Қироллик айбловчиси (*The person who institutes criminal proceedings on behalf of the Crown*). *Attorney General* эса адлия органининг юқори мансабдори, у вазирлар маҳкамаси ва Парламент аъзоси ҳисобланади (3, 23). АҚШда *Attorney General* — адлия вазири бўлиб, Президент тавсияси ва Сенатнинг маъқуллови асосида тайинланади.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, сўзларнинг мувофиқлиги баъзан лексик бирлик ҳақида етарли тушунчани бермайди. Бу иккала тилдаги анологик терминлар ортида турли тушунча ётиши ёки тушунча моҳиятига яқин маъно ҳажмининг турлича эканлиги билан изоҳланади.

*The Sixth Amendment to the Constitution guarantees that a person charged with a crime has a right to both a trial and an attorney (9, 22)* (Конституциянинг

Олтинчи тўлдирилиши жиноят содир этишда айбланаётган шахсга судда кўриб чиқиш ҳамда **адвокат** ёрдами ҳуқуқини кафолатлайди.) — ... *Anyway, we got two US Attorneys in the house* (6) (Нима бўлганда ҳам бизнинг уйимизда иккита АҚШ **прокурорлари** бор).

*“Prosecutors have declined to file charges against a Hollywood studio head who became the focus of a criminal investigation after landing his helicopter on a Sheriff’s Department helipad during the manhunt for ex-Los Angeles police officer Christopher Dorner. The Los Angeles County district attorney’s office concluded that there was no evidence ...”* (5). Янгиликка оид мазкур мақоланинг биринчи гапидаги *prosecutors* сўзи прокурорлар, иккинчи гапдаги *district attorney’s office* — округ прокуратураси деб таржима қилинади.

Маълумки, ҳуқуқ соҳасида инглиз тилининг терминлогик тизими ўзбек тилига нисбатан анча бой. Бунга сабаб инглиз ҳуқуқ тизими ўзининг узок тарихига эгаллиги, анча таракқий этганлиги ва жамият ҳаётида муҳим ўринга эканлиги билан изоҳланади. Буюк Британиянинг XVI–XIX асрларда юритган мустамлакачилик сиёсати босиб олинган ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, маъмурий ва ҳуқуқий, турли йўналишларни ўрнатиш ҳамда мустамлакаларга ҳудудий мақоми бериш борасида кенг кўламли иш олиб борди. Натижада ҳуқуқшунослик терминологияси янги сўз, атама ва терминлар билан бойиди. Бунда мустамлака ҳудуд тиллари ва реалиялари билан мустамлакачилар тили бўлган инглиз тилининг алоқалари бу ўринда салмоқли таъсир кўрсатди. Шу сабабдан тергов соҳасидаги номлар миқдори бевосита ушбу соҳанинг жамиятдаги ўрни билан боғланади.

Инглиз тилидаги тергов терминларнинг ўзбек тилига таржима қилишда қатор мураккабликлар келиб чиқади. Уларни қуйидаги сабаблар билан боғлаш мумкин: 1) номинатив детализация, яқин тушунча қайсидир белгисига кўра алоҳида номинацияга эга бўлади; 2) инглиз тилидаги реалияларнинг ўзбек терминологик тизимида лақунлиги; 3) инглиз тилида бир тушунчанинг турли вариантларда турли маъно англатиши.

Изоҳли, таржима, касбий ва турли луғатлар ҳамда юридик ва публицистик матнларни таҳлил қилган ҳолда қуйида мисолларни келтирамиз.

*Ҳимоя қилмоқ* инглиз тилида *to advocate* билан ифодаланади. Бирок *advocate* сўзининг от шакли ўзбек тилидаги *адвокат* сўзини ифодаламайди. Ушбу сўз инглиз тилига умумий *lawyer* деб таржима қилинса-да, у АҚШда *attorney, counselor*, Бирлашган Қиролликда *barrister, solicitor* сўзлари билан ифодаланади (10, 605). Ушбу мисоллар адвокат фаолиятининг функционал ва

худудий фарқларини кўрсатади. Тадқиқотларга кўра, ҳуқуқ тизимида адвокатлик фаолияти билан боғлиқ ҳодимни ифодаловчи ўндан ортиқ сўзлар мавжуд.

Британ инглиз тилисида *lawyer, barrister*, ва *solicitor* сўзлари адвокат сўзи маъносида кенг қўлланилиб, уларнинг фарқи ҳуқуқий ҳимоя тизимида бажарадиган функцияларда кўринади. Ушбу уч термин қамрови кенг бўлган *legal practitioner* термини билан қоплаб олиниши мумкин.

Тергов жараёни бўйича халқларнинг тасаввурлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Буюк Британияликлар уни тортишувга асосланган, Французлар тергов ва тортишувга асосланган, ислом дини дунёсига кирувчи давлатлар халқлари уни ислом ҳуқуқи ва дунёвий қонунчиликка асосланган жараён сифатида тасаввур қиладилар.

Ўзга лингвомаданий умумийлигини аниқ ва адекват равишда қабул қилиш учун тергов мавзусига оид матн таржималарини амалга ошириш орқали коммуникатив жараённинг иштирокчисига айланиш мумкин. Айнан таржима орқали маданиятларнинг ўзаро таъсири, ўзга маданият ҳақида тасаввурлар пайдо бўлади (11, 40).

Инглиз тили юридик атамалар луғатини асосан умум қўлланилувчи лексикасига оид бироқ мавзувий хилма хил бўлган бирликлар ташкил қилади. Уларга ҳам тергов соҳаси мутахассислари ҳам инглиззабон жамият аъзолари томонидан қўлланилувчи бирликлар тегишлидир. Бундай кенг қўлланилувчи терминларга *The Criminal Code* — жиноят кодекси, *illegal detention* — ноқонуний ҳибсда ушлаш, *false evidence* — ёлғон гувоҳлик бериш, *false denunciation* — ёлғон хабар бериш, *preliminary investigation* — дастлабки тергов, *early release* — муддатдан аввал қўйиб юбориш, *detention center* — вақтинча сақлаш хонаси кабилар мисол бўла олади.

Суд-тергов атамалари таржимашунослигининг эътиборли жиҳати шундаки, унда тушунчаларни илмий англаш ва тиллараро мувофиқларни топиш тақозо қилинади. Юридик матнлар таржимасида асосий қийинчиликлар иштирок этаётган тиллар мутлақо фарқли ҳуқуқий тизим яъни умумий ҳуқуқ тизими (Англия ва АҚШ) ва Ўзбекистон ҳуқуқ тизимига тегишли бўлганда юзага чиқади. Буни тадқиқ этилаётган сўзнинг термин ёки реалия эканлигини аниқлашда юзага келади. Масалан, инглизча *Star* — “*юлдуз*” *тоифасидаги маҳкум, Буюк Британия қамоқхоналарида маҳкумларнинг имтиёзли категориясини билдиради* (10, 342). Бу мисол ҳуқуқий ёндашувнинг турли тизимлари мавжудлигини кўрсатади.

Инглиз тилининг тергов лексик тизимида қатор бирликлар бўлиб, уларга этномаданий бирликлар ёки юридик реалиялар сифатида қараш мумкин. Улар ўзига хос бўлиб, бошқа тилларда уларнинг муқобиллари учрамайди. Шу боис ушбу бирликларнинг маъносини бошқа тилга етказишда уларнинг изоҳини беришга тўғри келади.

Қуйидаги мисолларда лингвомаданий фарқлар намоён бўлади: *good jury*. *A jury of which the members are selected from the list of special jurors*. *Махсус ҳакамлар орасидан номзоди танлаб олинadиган ҳакам*. Яна бир мисол тариқасида республикамизда оммавий ахборот воситалари учун тергов хусусиятидан келиб чиққан ҳолда айбланувчининг исми ихтиёрий исмга ўзгартириб кўрсатилиши мумкин. АҚШда эса тергов иши бўйича шахси аниқланмаган томонга фақат *John Doe* тўқима исми берилади: *John Doe — a fictitious name frequently used to indicate a person for the purpose of argument or illustration, or in the course of enforcing a fiction in the law*. — *Жон Доэ* тўқима исм бўлиб, далил ёки тасвирлаш ёхуд қонунан тўқима исмни қўллаш мақсадида шахсга берилади (1, 971).

Турли адабиёт ва луғатларни ўрганиш инглиз тилидаги тергов фаолиятини билдирувчи терминларнинг айримларига кўпмаънолилик хослигини кўрсатди. Бир лексема бир қанча маъноларга эга бўлиши ва бир-бирига яқин бўлган, шунингдек бир-бирига тескари вазифани бажарувчи лавозим ва мутахассисликликларни англатиши ҳамда бошқа лексик-семантик майдонлар билан кесишиши мумкин.

Масалан, *lawyer* — 1) юрист, адвокат, *company lawyer* — юристконсулт; 2) қонуншунос; ҳуқуқшунос; *international lawyer* — ҳалқаро ҳуқуқ мутахассиси; *attorney* — адвокат; ишончли вакил; юрист; адлия органи мансабдори; прокурор; *Attorney General* — а) адлия органининг юқори мансабдори (вазирлар маҳкамаси аъзоси); б) адлия вазири ва бош прокурор (АҚШда); штат бош прокурори (АҚШда). Таҳлилга тортилган мисол англосаксон давлатларида *атторней* — шахсга ёки компанияга юридик хизмат кўрсатувчи ишончли шахс эканлигини, АҚШда эса далаат мансабдор шахси яъни айбловчи ёки ҳимоя қилувчи вазифаларини бажаради.

Баъзан фразеологик тавсифдаги реалиялар ҳам луғатларда учрайди, масалан: *Old Bailey* — *жиноят ишлари бўйича Лондон марказий суди* (3, 208). *Anton Piller order* — *суд қарори*, унга кўра гувоҳ хужжатларни кўздан кечириш учун айбланувчининг биносига кириш мумкин ("Антон Пиллер иши" бўйича ўхшаш ҳодиса) (3, 15). *Brady Law* – *Брейди қонуни* (Джеймс Брейди, Ок Уйнинг



собик матбуот котиби. У 1981 йили АҚШ президенти Р. Рейганга уюштирилган суиқасдда жиддий жароҳат олган. Қонун ўқотар қурол сотиб олишда анкета маълумотларини штат даражасида текширишни назарда тутди.) (2, 42). *Megan's Law – Мейган қонуни* (1990 йиллар охирида АҚШда қабул қилинган қонун. Унга кўра фуқаролар ўзлари яшаётган ҳудудда жинсий зўравонлик жинояти бўйича муддатни ўтаб чиққан жиноятчи тўғрисида огоҳлантириладилар) (2, 170).

Баъзи тергов терминлари дунё тасвирининг миллий-маданий хусусиятини акс этади. Бундай терминлар турли ҳуқуқий маданиятлар билан ўзаро мазмунан боғлиқ бўлишига қарамай, уларнинг тўлиқ эквиваленти бўлмайди. Буни инглиз ва америка юридик терминлари маъноларидаги фарқларда ёки икки давлат тузилишидаги ўзига хос хусусиятларда кўришимиз мумкин.

*Citizen* термини инглиз термин тизимида “*somebody who lives in a city*” билан изоҳланган (3, 48). Америка терминологиясида бу термин куйидагича таърифланади: “*One who, under the constitution and laws of the United States, or of a particular state, is a member of the political community, owing allegiance and being entitled to the enjoyment of full civil rights*” (1, 310). Америка термини маъносида дифференциал сема – “*particular state*” бирикмасининг мавжудлиги АҚШ давлат-ҳуқуқий тизимининг миллий хусусиятини англатади. Бундай сема этномаданийдир, чунки АҚШ юрисдикцияси федерал ва штатлар юрисдикциясига бўлинади. Англия ҳуқуқий тизимида бундай тафовутлар мавжуд эмас, шу сабабдан британ ҳуқуқи термини мазмунида фақат “*city*” семаси ажратилади. Яна шундай этномаданий фарқлар судларнинг номланишида кўзга ташланади: *Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Her Majesty's Courts of Justice of England and Wales, Supreme Court of the United Kingdom, Senior Courts of England and Wales (Буюк Британия), U. S. Supreme Court, U. S. Federal Court of Appeals (АҚШ)*.

Гарчи инглиз тили Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Канадада давлат тили ҳисоблансада, ҳар бир давлатда терминларнинг миллий-маданий белгиларидан ташқари термин ва тушунчалар тизимининг маданий-ҳуқуқий хусусиятлари ҳам кўринади. Терговда акс этган дунёнинг тасвири ҳуқуқшунослик тизимида таалуқли бўлиб, дунё тасвири фаннинг назарий асосларига мувофиқ бирлашади. Бошқа ҳуқуқий маданиятнинг таъсири муайян миллатникига кучсиз ёки умуман таъсир қилмаслиги натижасида

тергов термин тизимида баъзан терминологиянинг дастлабки тараққий этиш босқичларига оид термин ва тушунчалари сақланади. Мисол сифатида жиддий жиноят тури ҳисобланмаган фелонияни (*felony*) келтириш мумкин. Ушбу термин Англиянинг 1967 йилги "Жиноят ҳуқуқи тўғрисида"ги Қонуни (*Criminal Law Act*) қабул қилингунга қадар ҳар қандай жиноят тури учун қўлланилган. Бироқ ҳозирда у Англияда қўлланишдан чиққан. АҚШда эса ушбу тушунча ва термин тизими жиноятларни дифференциялаш ҳисобига *фелония А*, *фелония Б* турлари билан тараққий этди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида бу терминни *ижтимоий хавфи катта бўлмаган* ва *унча оғир бўлмаган жиноят* тури билан ифодалаш тўғри бўлади. Демак, келтирилган мисолларда дунё тасвирининг лисоний ва концептуал илмий миллий-маданий хусусиятлари акс этади. Демак, келтирилган мисолларда дунёқарашнинг лисоний ва концептуал илмий миллий-маданий хусусиятлари акс этади. Тергов тизимининг маданий моҳиятини тушуниш учун ушбу соҳага оид лексик-семантик универсалияларни топишдир.

Инглиз тили тергов терминологиясида метафоралар ҳам учрайди. Бунинг мавжудлигини *Black's law dictionary* юридик терминлар луғатидаги мисоллар исботлайди:

*Black Maria* – *маҳкумларни ташийдиган машина*. (A closed wagon or van in which prisoners are carried to and from the jail, or between the court and the jail). Сўзма-сўз: "Қора Мария".

*blackmail* – *товламачилик*. (The extortion of money by threats or overtures towards criminal prosecution or the destruction of a man's reputation or social standing.) Сўзма-сўз: "қорахат".

*Dead letter* – *қўлланилмайдиган қонун, қарор*. (An act that has become obsolete by long disuse.) Сўзма-сўз: "ўлик хат".

*King's evidence* – *асосий далил* (evidence for the prosecution given by a participant in or accomplice to the crime being tried) Сўзма-сўз: "Қиролнинг далили".

Бундан ташқари, тергов терминларини байналминал тавсифдаги бирликлар ташкил қилади (бошқа тилларда структуравий-семантик муқобиллари бўлган). Масалан: *morgue* – морг; *identification* – идентификация; *extradition* – экстрадиция; *Miranda* – Миранда; *presumption* – презумпция; *recidivist* – рецидивист, *respondent* – респондент.

Шундай қилиб, терминлар мазмуннинг турғунлиги, аниқлиги, битта маънога эгаллиги, контекстга боғлиқ эмаслиги, синонимларнинг мавжуд



эмаслиги, қисқалиги ва семантик жиҳатдан асосланганлиги билан характерланади. Идеал термин максимал даражада абстракт, бир маънога эга, ифода доирасидан ташқарида бўлган, халқаро мақомга эга, мантиқий ва тизимли бўлади. Тергов терминологияси таҳлили, шубҳасиз, миллий ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий ҳуқуқий тизимларга тааллуқлилиги жиҳатидан амалга оширилиши лозим.

Келтирилган мисоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инглиз-америка ҳуқуқ тизими кўп асрлар давомида шаклланган ҳамда ҳуқуқий реалия, термин, иборалар ўртасида аниқ мувофиқликни ўрнатган. Ушбу юридик лексиканинг ўзига хослиги инобатга олиниб, юридик ҳужжатларнинг таржимаси амалга оширилиши лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Black's Law Dictionary. Definitions of the Terms and Phrases of American and English Jurisprudence, Ancient and Modern. 4th Ed. Rev.6-1971. 1882 p.
2. Braun M, Clothier G. English-Russian dictionary of american criminal law. Greenwood Press. Westport, Connecticut, London. 1998. 327 p.
3. Collin P.H. Dictionary of law. Fourth edition. 2004. P. 337.
4. Hornby A. S. Hornby's Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. Vol I. Oxford University Press. Oxford, — 1982,— 50 p.
5. <http://articles.latimes.com/2013/jul/31/local/la-me-ln-hollywood-mogul-wont-be-charged-in-dorner-helicopter-spat-20130731> .
6. <https://context.reverso.net/%D0%BF%D0%B5%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BE%D0%B4/>.
7. Simpson D. P. Cassel's new compact Latin-English dictionary. New York. —1980. — 378.
8. Дворецкий И. Х. Латинско-русский словарь. — 2-ое изд. — Москва: Русский язык. — 1976. — 1096 с.
9. Комиссаров В. Н., Ермолович Д. И.. — 2-е изд., испр. — Москва: Р. Валент. —2014. — 407 с.
10. Мамулян А.С., Кашкин С. Ю. Англо-русский полный юридический словарь. Первое издание. Москва. —1993. —389 с.
11. Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — Москва: Издательский центр «Академия», 2001. — 208 с.

#### REFERENCES

1. *Black's Law Dictionary*. Definitions of the Terms and Phrases of American and English Jurisprudence, Ancient and Modern. 4th Ed. Rev.6-1971, 1882 p.
2. Collin P. H. *Dictionary of Law*. Fourth edition: Bloomsbury, 2004, 337 p.
3. Dvoretiskii I. Kh. *Latinsko-russkii slovar'* (Latin-Russian dictionary), Vol.2, Moscow: Russian language, 1976, 1096 p.
4. Hornby A. S. *Hornby's Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English*. Oxford: Oxford University Press, Vol.1. 1982, 50 p.

5. <http://articles.latimes.com/2013/jul/31/local/la-me-ln-hollywood-mogul-wont-be-charged-in-dorner-helicopter-spat-20130731>.
6. <https://context.reverso.net/%D0%BF%D0%B5%D1%80%D0%B5%D0%B2%D0%BE%D0%B4/>.
7. Komissarov V. N. Ermolovich D. I. *Sovremennoe perevodovedenie* (Modern Translation), Vol.2, Moscow: R.Valent, 2014, 218 p.
8. Mamulyan A. S., Kashkin S.Yu. *Anglo-russko polnyi yuridicheskii slovar'* (English-Russian Comprehensive Legal Dictionary), Moscow, 1993, 389 p.
9. Braun M, Clothier G. *English-Russian Dictionary of American Criminal Law*, London: Greenwood Press, Westport, Connecticut, 1998, 327 p.
10. Maslova V.A. *Lingvokul'turologiya* (Linguoculturology), Moscow: Izdatel'skii tsentr Akademiya, 2001, 208 p.
11. Simpson D. P. *Cassel's New Compact Latin-English dictionary*. New York, 1980, 378 p.